

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРИДА МУСИҚИЙ-ИЖОДИЙ ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Пиримқул Хужамқулов

Чирчиқ давлат университети “Муסיқа” кафедрасининг катта ўқитувчиси.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15133229>

Жаҳонда таълим ва илмий тадқиқот муассасаларида импрессионизм, неоклассицизм даврларининг назарий меъросини ўрганиш, талабаларнинг муסיқий-ижодий қобилиятларини ривожлантириш, инсонни юксакликка кўтаришга хизмат қилувчи муסיқий асарларни яратиш ва бадиий маҳорат билан ижро этиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Германияда “Ялси” назарияси, Венгрияда “Тоник-соль-фа” назарияси, Англияда “Релятив”, Россияда “Муסיқа” назарияси бўйича ўқитишда талабаларнинг муסיқий-ижодий қобилиятларини санъатни ижодий акс эттириш асосида ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Муסיқа – инсоннинг ички ҳиссий кечинмалари, руҳияти, фикрлари, тасаввур доирасини муסיқий товуш (нағма)лар изчиллиги ва мажмуи воситасида акс эттирувчи санъат тури ҳисобланади. Муסיқани тинглаётган инсон бевосита, унинг оғушига, яъни бошқа оламга фарқ бўлади. У инсонни ўйга томишга, фикрлашга, ҳаёл суришга, хурсанд бўлишга, дарддан фориғ бўлишга ва ширин хотиралар ила кўз ёш тўкишга ҳам мажбур қилади.

“Муסיқа” сўзи юнонча “mousiche” сўзидан олинган бўлиб, музалар (илҳом парилари) санъати маъносини англатади.

Муסיқанинг ифодавий-тасвирий имкониятлари Шарқ мутафаккирларидан Абдурахмон Жомий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий, Ал-Фаробий, Нажмиддин Кавкабий ва тасаввуф арбобларидан Калободий Бухорий, Имом Ғаззолий ҳамда юнон олимларидан Аристотель, Пифагор, Платонлар томонидан илмий тадқиқ қилиниб, юқори баҳоланган.

Юнон файласуфи Платон: “Давлатнинг куч-қудрати – унда қандай муסיқа, қайси оҳанг ва қай ритмда янграётганлигига тўғридан-тўғри боғлиқдир”, - деб ҳисоблаган. Платон ва унинг издошлари: “Давлат учун инсонни юксакликка кўтаришга ёрдам берувчи муסיқа керак”, деб ҳисоблаганлар. Қадимги Хитойда муסיқа – тартиб ва цивилизация рамзи ҳисобланган, у тарбиянинг энг муҳим воситасидир. Муסיқа психологияси ўрта асрларда Яқин ва Ўрта Шарқда Ал-Фаробий, Абу Али ибн Сино, Абдурахмон Жомий, Нажмиддин Кавкабий каби буюк мутафаккирлар ижодида ўз ривожини топди. Улар муסיқадан даволаш воситаси сифатида ҳам фойдаланишган.

Аристотель психикани ўзгартирувчи мусликий ладлар тўғрисида шундай мулоҳаза билдирган: “Бир ладдаги муслика кишини мулойим ва раҳмдил қилиб қўяди, бошқа бири эса, ҳаяжонланиш ва асабийлашишга олиб келиши мумкин”. Унинг фикрича, фригий, дорий, лидий ладларидаги оҳанг кишининг соғлиғи ва руҳи учун ижобий таъсир қилади, бошқа ладлардаги мусликани эса, ёш авлоднинг қулоғига етказмасликни таъминлашни тавсия қилган. Инсоннинг гўзаллик туйғусини ривожлантирмай туриб, маънавий баркамол инсон ҳақида гапириб бўлмайди. Муслика ана шу нозик туйғуларни шакллантириш ва тарбиялашнинг қудратли воситаларидан биридир. Мусликани қалби гўзалликка ошно инсонларгина севади, англайди. Муслика тинглаш, уни идрок этиш болаликдан тарбияланади ва сингдириб борилади. Улуғ ёзувчи Чингиз Айтматов айтганидек, “Фақат мусликагина замонларга хос ёлғон ақидаларни енгиб ўтиб, мудом келажак сари интилади”.

Аристотель ўзининг “Поэтика” асарида бадиий иждоднинг меъёрий қонунларини фалсафий жиҳатдан таҳлил қилади. Аристотель санъатнинг борлиқдаги имкониятини фаол, иждодий, юксак бадиий маҳорат билан ифодалашда қўради. Унинг фикрича, “Санъатнинг вазифаси воқеъликни механистик тарзда қайта тикламай, балки уни иждодий акс эттиришдан иборат”.

Сукрот “Иждоднинг асосида ҳақиқат ва унинг моҳиятини тушуниш ётади”, - деб таъкидлайди. Шунинг учун у “Ҳар бир одам ўз фикрига эга бўлиши мумкин, аммо ҳақиқат барча учун битта бўлиши лозим”, - деб ҳисоблайди.

Гегельнинг фикрича, “Иждод мушоҳада қилиш қобилияти, тасаввурнинг самарали ва рефлексив фаолияти бўлсагина амалга ошади”.

Л.А.Гревцованинг тадқиқотида “Иждодий жараён барча ботиний кучлар олий даражада жамланган лаҳзада вужудга келадиган ногаҳоний “башорат” тарзида англанади. Шунинг учун ҳам Юнон файласуфи Платон иждоднинг асл манбаини билимда эмас, илҳомда деб ҳисоблайди. Худо инсонни яратиб, унинг ўзига ўхшашини истаса, инсон ҳам ўз иждод маҳсулининг ўзига ўхшаш бўлишини хоҳлайди”, - деб таъкидланган.

Ўзбек халқи маънавиятида миллат ўтмиши, ҳозирги куни ўз ифодасини топган бўлиб, жаҳоншумул кашфиётларни ярата олган минглаб алломаларни етиштириб берган ўлка ҳисобланади. Улар умумбашарий аҳамиятга эга маърифатнинг шаклланишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшганлар. Шунинг учун ҳам ўзбек миллий-маънавий мероси жаҳон маданиятининг ажралмас қисми, узвий бўлагидир.

Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг асарларида ифодаланган маънавий-ахлоқий қарашлар инсонлар руҳияти ва маънавияти тараққиётида, ёшларда эзгулик ва ифтихор туйғусининг ривож топишида муҳим восита сифатида хизмат қилади.

Шарқ муסיқаси – Шарқ фалсафаси, Шарқ дунёсининг узвий бир қисмидир. Шарқ муסיқасининг жаҳон маданий меросида тутган ўрни бениҳоя буюк. Муסיқа минг йиллардан бери одамлар дилини хушнуд этиб, уларни руҳан юксалтириб келмоқда. Ўзининг нозик жозибаси билан дунё маданиятига озуқа бериб, умумбашарий қадриятларга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Олий таълим муассасалари талабаларида муסיқий-ижодий қобилиятларни ривожлантиришда Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг муסיқий меросидан фойдаланиш ўз ўрнида методологик мазмун кашф этиб, талабаларнинг маънавий-эстетик фикрлашларини, назарий билимларга эга бўлишини таъминлайди. Шарқ алломаларининг бебаҳо ва тенгсиз асарлари жамиятни ривожланишида, маънавиятимизни юксалишида, комил инсонни камол топишида муҳим жараён ҳисобланади. Улар тадқиқотларида фалсафа таъбабат, фалакиёт, муסיқа, ахлоқ, таълим-тарбия, мантиқ, тилшунослик, адабиёт ва бошқа фан соҳаларига бағишлаб асарлар ёзишган.

Муסיқа санъати ҳақида кўплаб алломалар изланишлар олиб борган бўлиб, муסיқа назарияси, муסיқага оид қоидалар бевосита Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирлари томонидан илгари сурилган.

Бу борада Фаробийнинг “Муסיқа ҳақида катта китоб” ва бошқа асарлари, Ибн Синонинг “Китоб аш-шифо”, “Китоб ан-нажот”, “Донишнома” каби асарларининг муסיқа ҳақидаги бўлимлари, Абдурахмон Жомийнинг “Рисолаи муסיқа” китоби, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг муסיқа ҳақидаги қарашлари талабаларда муסיқий-ижодий қобилиятларни ривожлантиришда муҳим манбаа ҳисобланади.

Абу Наср Фаробий қомусий олим ҳисобланиб, унинг 160 дан ортиқ илмий асарлари мавжуд. Абу Наср Фаробий Ўрта аср даври илм-фани тараққиётига катта ҳисса қўшган олим. Фаробий табиий, илмий ва ижтимоий билимларнинг барча соҳаларида илмий иш олиб борган. Фаробий ўзидан кейин жуда бой илмий мерос қолдирган. Фалсафа, муסיқа, филология ва бошқа табиий, илмий билимларнинг турли соҳаларида асарлар яратган.

Абу Наср Фаробийнинг таърифига кўра “Ижод – билиш жараёнида шундай улуг фазилатки, инсон уни эгаллаши учун бошқа ҳамма фазилатларини ишга солиши керак”.

Ижод қилиш жараёнида инсон изланади, кузатади, тадқиқотлар олиб боради, натижаларни таҳлил қилиб мантиқий хулосалар чиқаради. Хулосанинг тўғри ёки нотўғри эканлиги тажрибада синаб борилади.

Ижодкорлик талабаларда муסיқий тафаккур, изланиш ва ижодий малакаларни ўстириб бориш учун катта аҳамиятга эга. Ҳозирда ўсиб улғаяётган ёшларимиз орасида ҳам ҳар томонлама мукамал, етук, қобилиятли ижодкорлар йўқ эмас.

Муסיқа ижодкорлиги соҳасида кўплаб ёшларимиз таҳсил олиб, кейинчалик муסיқа педагогикаси соҳасида ўз фаолиятларини давом эттириб келмоқдалар. Қалбида муסיқага меҳри бўлган инсонлардан ҳеч қачон ёмонлик чиқмайди. Шундай экан, ёшларимизда муסיқага бўлган қизиқишларини орттириш даркор.

Юқорида берилган маълумотлар биргина аллома Абу Наср Фаробийнинг муסיқа санъати ривожига улкан хизматлари бўлиб, бу жараёни бошқа кўплаб аллома ва мутафаккирлар маънавий меросида кўришимиз мумкин.

Шарқ мутафаккири Абу али ибн Сино муסיқанинг руҳ ва танага шифобахш таъсири тўғрисида айтиб, муסיқанинг психологик ва физиологик хусусиятларини ўрганган. Ҳозирги кунда дунёдаги кўпчилик муסיқашунос-олимлар, тиббиёт мутахассислари ва психологлар муסיқанинг жуда кучли даволовчи хусусияти борлиги ва шифобахш таъсирга эга эканлигини исбот қилдилар.

Талаба онгига аллома ва мутафаккирларнинг муסיқий қарашларини сингдиришда идеаллар жуда муҳим аҳамият касб этади. Педагог талабани келажакда кимнинг ўрнида кўришни хоҳласа, уни талаба кўзида идеал даражасига етказа олиши керак бўлади.

Масалан, талабанинг идеали унинг отаси, у отасидай учувчи бўлмоқчи, у яқин орада бу мақсадга эришиш йўлини излайди, унга интилади, ўзида отасида бор хислатларни такрорлашга ҳаракат қилади.

Қадимдан Шарқ ва Ғарб мутафаккир олимлари, файласуфлари ҳам бир неча муסיқа чолғуларида чалиш ва куйлаш маҳоратини эгаллашга интилганлар. Чунки, юракни муסיқа билан ҳамоҳанг уриб туриши инсоннинг фикрларини жамлаб, бир тизимга солишга, меъдани соғломлаштиришга, муаммолар ечимини топишга ёрдам берган. Демак, муסיқа ёрдамида инсонни ҳам маънавий, ҳам физиологик томондан тарбиялаш ва ривожлантириш мумкин.

Муסיқа воситасида ифодаланадиган ҳис-туйғуларни сўз билан ифодалаш жуда қийин. «Қачонки сўз ожизлик қилса, муסיқа ёрдамга келади», деб бежизга айтишмаган.

Муסיқа талабаларга фаол эмоционал таъсир кўрсатади, қувонтиради, ижобий кечинмалар уйғотади. Яхши, мазмунли, қизиқарли муסיқадан талабалар хуш кайфиятга эга бўладилар.

Бугунги кунда муסיқанинг янги соҳаси функционал муסיқа орқали муסיқанинг киши психикаси ва физиологиясига таъсирини ўрганилиши бунинг боисидир. “Муסיқа таълими” йўналиши фанлари ўзининг аралаш дарс типи (тузилмасига эга), ифода воситаси (тили) ва актив психологик таъсири билан фарқ қилади. Демак, муסיқа таълими талабаларнинг шахсияти ва дунёқарашининг шаклланишида муҳим рол ўйнайди. Ота-боболаримиз, халқимиз асрлар давомида биз аجدодларга бой маданий меърос қолдирган.

Асрлар давомида республикамизнинг турли воҳаларида турмуш тарзи, яшаш шароити, иқлимидан келиб чиқиб, ранг-баранг қўшиқлар яратилган, чолғу мусиқалари вужудга келган, чолғу асбоблари ясалган. Уларни ўрганиш, ҳаётга тадбиқ этиш, келажак авлодга етказиш бизнинг олдимизда қўйилган долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Ўзбек мусиқа санъати ва маданияти билан яқиндан танишиш ва ўрганиш асосида ижодкор ўзи учун янги ижодий билимларни очишга муваффақ бўлади. Бу даврда халқнинг ижодий ривожланиши, санъат ва маданият тарғиботи, истеъдодларни намоён этиш ҳамда маърифатпарварлик ғоялари биринчи ўринга чиқди. Инсонларнинг маънавий эҳтиёжларини қондиришда анъанавий халқ қўшиқлари, мусиқа ва фольклор қўшиқларининг аҳамияти ниҳоятда катта.

Халқ мусиқасига бой бўлган байрамлар, сайллар ва турли хил томошалар инсон маънавияти шаклланишида ва тараққиётида асосий манбаа ҳисобланади. Ҳар бир байрам, маросимнинг тарбиявий таъсир кучи шу анъананинг мазмунини очишга хизмат қилувчи урф-одатлар, расм-русумлар билан мустаҳкамланади.

Маънавий қадриятларнинг асосий манбаалар кўлами тахминан қуйидаги жабҳаларни ўз ичига олади:

- инсон онги, ақл-заковати маҳсули сифатида яратилган нарсалар (фан, адабиёт, санъат, халқ амалий хунармандчилиги);
- турмуш тарзи, ҳаётий заруратлар асосида шаклланган қадриятлар (урф-одатлар, анъаналар, удумлар, байрамлар);
- тасаввур, руҳий эҳтиёжлар замиридан келиб чиқадиган қадриятлар, фалсафий қарашлар, эътиқод (Қурон, ҳадис, диний тушунча ва мулоҳазалар).

Бу қадриятлар инсон маънавиятининг барча муҳим тармоқлари ва барча қирраларини ўзида намоён қилади ва айни пайтда бу тамойиллар бир биридан ажратиб бўлмас даражада узвий боғланиб кетади, ҳамда бир бутунликни ташкил қилади, яъни тўлақонли инсоний маънавиятни юзага келтиради. Бошқа халқлар сингари, ўзбек халқи ҳам-ўзининг бой тарихи, бетакрор қадриятлар бисотига, яъни ўз маънавиятига эга.

Асрлар оша бизгача етиб келган нодир дурдоналар-миллатимиз вакилларининг онгига, турмуш тарзига, қонига қай даражада сингдирилаётганлиги, уни асраб-авайлаб сақлаб қолинаётганлиги ва янгича тафаккур билан идрок қилган ҳолда уни бойитиб боришга қай даражада киришилаётгани бутунги куннинг энг муҳим ва долзарб муаммосидир. Қадриятларни ёшларимиз онгига мусиқа орқали сингдириши керак бўлган педагогларимиз олдида муҳим вазифа турибди.

Жамият таянчи бўлган педагогларимиз ўз касбига садоқат билан сидқидилдан ёндашсагина, у замон талабига жавоб бера оладиган шахс ва ёшларни маънавий камолотга етаклай олувчи педагог мақомига сазовор бўлиши мумкин.

Инсоннинг маънавий камолотга эришувида фан, адабиёт ва бошқа муҳим тармоқлар каби санъатнинг, хусусан мусиқанинг фақат ўзигагина хос бўлган алоҳида ўрни бор. Ўзбек халқи қадимдан ўзининг бой мусиқий меъроси, маънавий-мусиқий қадриятларига эга бўлиб келган. Бу бисот турли йўналиш ва жанрларда алломаларимиз яратган мусиқий рисоалар, қўлёзмалар, яратилган чолғу асбоблари, кўшиқ, куй, бахшичилик, устоз-шогирдлик анъаналари, байрамлар, сайллар, фестиваллар тарзида ўз ифодасини топган.

Мусиқа киши тасаввурида образлар яратиши орқали инсон руҳиятига сингиб боради. Яхши, ёқимли мусиқа инсон қалбида яхши кайфият уйғотади ва у киши руҳига кўтаринкилик олиб киради. Яхши мусикадан руҳланган киши ўз кучига ишонч ҳосил қилади ва озуқа олади. Ҳаётда учрайдиган маълум муаммолар олдида ўзини бардам хис қилади ва турли ҳолатларда дадиллик кўрсатишга тайёр бўлади.

Кейинги йилларда мусиқа таълимини янада такомиллаштириш, талабаларда мусиқа, ижод ва қобилиятларни ривожлантириш муаммоларига бағишланган қатор дарсликлар, илмий тадқиқотлар, услубий рисоалар, ўқув дастурлар ва қўлланмалар яратилди ва яратилмоқда. Бунда соҳанинг етук мутахассисларидан жаҳонда Л.Бурбо, С.Л.Франк, В.А.Энгельгардт, МДХ олимларидан Е.Я.Басин, Н.А.Бердяев, С.И.Бугрова, И.Н.Ефимова, А.М.Коршунов, ўзбек олимларидан А.Р.Арипджанова, Н.А.Бахритдинова, О.А.Васильченко, Д.Ф.Жалолова, Г.Н.Ибрагимова, С.С.Маликова, Қ.Т.Мирзаев, С.Расули, А.Х.Ҳакимова, Н.С.Шарафиева, Ч.Т.Шокирова, Б.В.Шомахмудова, Д.Б.Якубжанова, Р.Қодировлар бир қатор изланишлар олиб борганлар. Бироқ олий таълим муассасалари талабаларида етук ижодкорлик, халқчиллик тамойилини қайта алоқага киришиш даражасининг субъектив таъсирчанлигини иерархик тартибда жойлаштирилган диагностик ўқув жараёни тўлиқ йўлга қўйилган дея олмаймиз.

Л.Бурбонинг “Эмоции, чувства и прощение” китобида “Ижодий қобилият инсонларга керакли бўлган қандайдир янгиликни очиш ёки яратиш демакдир. Илоҳий неъмат эса қобилият, истеъдод, даҳоликни тасодифан юзага келтирувчи трансцендентал ходиса, илоҳий неъмат, яъни бу – “Худо берган” тухфадир, - деб таърифланади.

С.Л.Франк “Ҳар қандай инсон у ёки бу даражада яратувчидир. Борлиқнинг ҳар қаерида ижод мавжуд. Агар у инсоннинг ички муҳитидан келиб чиқса, ҳар қандай хунарманд муҳаббат ва дид билан ишлайдиган бўлади, ишга ўз шахсини қўшаётган маънода илҳомланиб янги ижод намуналарини яратади.

В.А.Энгельгардтнинг фикрича, “Ижод... – санъатнинг моҳияти. У худди шу даражада фаннинг ҳам моҳияти ҳисобланади. Ҳар икки ҳолатда ҳам инсоннинг яратиш, яъни ўзлигини намоён қилиш қобилияти муҳим. Илмий кашфиёт худди санъат каби, ижодкорнинг муайян хусусиятларини ўзида сақлаб қолади ва кейинги ҳаёти давомида бутун инсоният бойлигига айланади”.

Е.Я.Басин “Творчество и эмпатия” номли мақоласида “Илмий ижод шахснинг муҳим белгиси – рационал кўриш ва фаолиятининг намоён бўлиш шаклидир. Бу шунчаки ҳиссий қабул қилиш ёки интеллектуал фаолият эмас, балки дунёни шундай кўриш, унда ҳиссиётлар, ақл, туйғулар узвий жиҳатдан уйғунлашган тарзда акс этади”, - деган фикрни билдирган.

Н.А.Бердяевнинг таъкидлашича, ижоднинг асосий хусусияти – эркинликдан иборат. Унинг фалсафасидаги ўзига хослик энг аввало, у ижодга борлиқни эмас, эркинликни асос қилиб олган.

“Инсон ижод қилишга илоҳий куч ёрдамида жалб этилади. Ижод қилиш эса, унинг инсоний бурчи, инсоннинг ерга юборилишидаги вазифасидир”, - дейди Н.А.Бердяев.

С.И.Бугрова “Илмий ижод инсоннинг бевосита ҳаётий фаолияти билан боғлиқ бўлиб, унга кўпроқ объективлик ва тизимлилик хосдир”, - дея таъкидлаган.

“Ижод бу – ҳаёт мазмуни ва ҳақиқатини излаш ҳақидаги ўй”, - дейди И.Н.Ефимова.

“Ижод бу субъектнинг объект билан ўзаро фаол ҳаракатидир. Бу жараёнда субъект мақсадга йўналтирилган ҳолда атроф-оламни ўзгартириб, объектив қонуниятлар талабига кўра, янги ижтимоий аҳамиятдаги оламни яратади. Атроф-оламга таъсир қилиб, субъект ҳам ўз-ўзини ўзгартиради”, - дейди А.М.Коршунов.

Талабаларнинг муסיкий-ижодий ривожланишлари учун педагог ўзининг иш фаолиятига сидқидилдан ёндашиб, дарсларни субъект-субъект муносабатлар орқали юксак методик даражада ўтилишини таъминлаши лозим. Субъект-субъект муносабатлар орқали ўтилган дарс педагогдан катта иродавий куч, изланиш, ҳозиржавоблик ҳамда турли педагогик вазиятларга тезда муносабат билдиришини талаб этади. Самарасиз ва омадсиз дарс, камчиликлар узоқ вақт педагогга ором, ҳаловат бермайди, ортга назар солиб унинг сабабларини қидиришга эҳтиёж сезади.

Шу масалада Г.Г.Азизова ўз тадқиқотлари натижаси сифатида қуйидаги фикрларни билдиради: Ўқитиш жараёнини мутлақо инновацион омилсиз ташкил этиб бўлмайди. Хориждаги самарали методларни ўрганиш ва улар асосида ўқитувчининг инновацион педагогик фаолиятини ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади.

Бинобарин, мамлакатимизда ўқитишнинг янги сифат ўзгаришларини амалга ошириш босқичида талаба ёшларни рақобатбардош мутахассислар сифатида мамлакат иқтисодиётини ўстиришга мақсадли тайёрлаш бугунги куннинг асосий талабидир.

А.Азизкулов ўз тадқиқотида “Ижод инсонни янги моддий ва маънавий қадриятларни яратишга қаратилган мураккаб руҳий-маънавий фаолиятдир. Инсон томонидан табиий борлиқни ўзлаштириш ва ўзгартириш фаолияти фақат ижодий ёндашув натижасида содир бўлади. Айнан, ижодкорлик фаолияти орқали инсон табиатдан ажралиб чиқди ва уни ўзига бўйсундирди”, - дея таъкидлайди.

Э.Аъзамнинг фикрича, “Ижод бу – ўзини қийнаш, машаққат чекиш, хузур-ҳаловатдан воз кечиш, том маънода фидойилик демакдир”

“Ижод – тадқиқотларнинг янги предмети эмас. У доимо олимларнинг ва мутахассисларнинг эътиборини жалб қилган. Кенг маънода ижод–бу бирон бир янги, такрорланмайдиган фойдали омилни ҳосил қилишга йўналтирилган фаолиятдир. Шунинг учун ижоднинг асосий кўрсаткичи унинг натижасидаги янгилик, яъни ижодий фаолият янгилигидир”.

3.Давроновнинг фикрича, “Ижод бу – изланувчининг маълум янгилик яратиш учун объектга қаратилган шахсий қобилиятидан келиб чиқувчи ҳиссий билим ва туйғуларни амалга оширувчи жараён”.

“Ижод бу – бадиий ифодалаш шакли бўлиб, шахснинг ривожланиши ва тажрибасида муҳим омил саналади. Турли шакллардаги ўз тасаввур ва ижодларини ривожлантириш имкониятларига эга бўлган талабалар миллий маънавий мерос ва маданиятни ҳурмат қилишга ўрганадилар”.

М.М.Рустамова “Ижодкорлик фазилатини шакллантиришда ўқувчиларнинг бажариши лозим бўлган вазифалар этиб қуйидагиларни белгилаган: билим олиш, тушуниш, ишлатиш (қўллаш), таҳлил (анализ), синтез, баҳолаш, ташаббускорлик, ижодкорлик каби фазилатларни шакллантириш, ишга ижодий ёндашиш, ўз-ўзини бошқариш, ишдаги камчиликларни ўз вақтида топиш, ўз-ўзига талабчан бўлиш, мақсадга интилиш каби хислатларнинг намоён бўлиши уларнинг ижодий қобилиятларини оширишга ёрдам беради”, - деб таъкидлаган.

“Илм-фанга, ижодга қизиқиш ҳиссини болаларда ёшлиқдан уйғотиш масаласига мактаб, ота-оналар, олимлар кўпроқ эътибор беришлари лозим. Шу билан бирга, илмда ёши ўтиб қолди, деган гап бўлмади”, - дея таъкидлайди О.Файзуллаев.

“Илмий фаолият ижод билан чамбарчас боғлиқ. Илмий ходимнинг билими, истеъдоди, қобилияти, кўникмалари, илмий ҳақиқатнинг тагига етишга бўлган интилишлари илмий ижодда ўз аксини топади”.

Абдулла Шер ўзининг “Илоҳий инъомлар” номли китобида “Ижод илоҳий инъом, бу инсон ўз меҳнати билан олмаган, балки Худо томонидан берилган неъматдир”, - деган фикрни билдирган ва унинг барчада ҳам бир хил бўлмаслигини таъкидлаб, унинг уч даражасини, яъни қобилят, истеъдод ва даҳо каби тушунчаларни келтирган.

Муסיқа таълимида талабаларнинг муסיкий-ижодий қобилятларини ривожлантирувчи кўргазмали воситалардан фойдаланиш муҳим. Вокализлар ёрдамида талабаларда нота асосида куйлаш малакалари ривожлананади, асарнинг профессионал ўзлаштирилишига эришилади, товушларни тўғри ва тоза куйлаш, эслаб қолишларига ёрдам беради. Дарсда техник ва кўргазмали воситалардан унумли фойдаланиш, дарс режаси чуқур ўйланган бўлиши керак. Улардан унумли фойдаланиш муסיқа тарбияси вазифаларини ҳал этишда муҳим рол ўйнашини таъкидлаш лозим.

Олий таълим муассасаларининг “Муסיқа таълими” йўналиши талабалари дарсларга пухта тайёргарлик кўриши ва уни самарали ўтказишлари учун педагогдан доимо ижодий ёндашувни, касбий тажрибаларни, билим, малака ва кўникмаларни фаол тадбиқ этишни тақозо этади. Педагог ижодининг натижаси бўлган дарс ғоявий-эмоционал таъсир кучига эга бўлиб, талаба ички дунёсини забот этиб, муסיқага бўлган қизиқиш ва эҳтиёжини тарбиялайди.

“Муסיқа таълими” йўналиши дарсларининг муваффақияти саводхон, чуқур билимли, муסיкий-ижодий, қобилятли, ўз касбига фидоий бўлган педагог шахсига боғлиқ. Мустақил таълим жараёнида Айрим талабалар муסיқани тинглаш, идрок эта олиш малакасига эга, турли жанрдаги асарларни ифодали куйлашга ҳаракат қилишади. Бошқалари эса тўғри куйлаш ҳақида ҳаттоки тушунчага ҳам эга бўлишмайди. Бу уларнинг муסיкий тушунча, маълумотлардан қай даражада баҳраманд бўлганликлари ҳамда муסיкий муҳитга муносабати билан белгиланади.

Талаба машғулотнинг фаолиятлари ўзаро боғлиқлиги асосида тинглаш, куйлаш фаолияти, муסיқа саводхонлигини ўзлаштириши, муסיкий-ижодий қобилятларни ривожлантириш жараёнида куйнинг йўналиши, хусусиятларига мос ифодавий ҳаракатларни бажариш, талабаларни муסיқа мазмунини ҳис этиш, рефлексив механизмларни барқарор қўллаш орқали ўргатиб борилади.

Талабаларда муסיкий-ижодий қобилятларни ривожлантириш учун педагогнинг индивидуал креатив ёндашуви муҳим аҳамиятга эга. Талабалар олий таълим муассасаларида олган назарий билимларини ўқув-тарбиявий жараёнларда синаб, амалиётга тадбиқ этишади. Муסיқани тушуна билиш, уни ҳиссий идрок этишда бадий сўз муҳим восита сифатида хизмат қилади, албатта.

Бу жараёнда бадий сўз ҳеч қачон музиканинг теранлигини тушунтира олмасда, бироқ “сўз”сиз нозик хиссини англашнинг бу соҳага яқинлашиб бўлмаслигини, унинг ўзига хос эмоционал кучга эга эканлиги, қалб нозик торларини созловчи хусусияти билан музикани англатишда нихоятда қимматли восита эканлигини уқтиради. Кўпгина педагогларнинг нутқий маҳорати тўлиқ шаклланмаган, улар дарс мавзуларини ёритишда, талабалар билан мулоқот ўрнатишда сўз ва фикр бойлигига етарли даражада эга эмаслиги яққол сезилиб туради.

Олий таълим муассасалари талабалари, музика ўқитувчиларини тайёрлаш жараёни янги тизим ва унинг индивидуал, ижодий характернинг етарлича эмаслиги, кўплаб педагогларнинг рақобатбардош эмаслиги, ўқитувчи касбининг ёшлар орасида етарлича эътибор топмаётгани ҳисобига мураккаблашиб бормоқда. Ҳозирги кунда олий таълим муассасалари талабаларининг ижрочилик маданиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Бу кейинги пайтда талабанинг ижрочи сифатида қай даражада намоён бўлиши билан боғлиқ.

Музика ўқитувчисини тайёрлаш жараёнида педагог асар ғоясини англаб олиши ва уни ўқувчига етказа билиши, педагогик фаолияти давомида талабанинг ижодий дунёсини шакллантириши, унинг образли фикрлаш қобилиятини такомиллаштириши лозим.

Педагогнинг ажралмас хусусияти бу унинг ижодий характери эканини ҳисобга олган ҳолда, ижрочи сифатида яққол намоён бўла олиши лозимлигини алоҳида таъкидлаш жоиздир. Педагогик ижод заминида педагогик импровизация ва педагогик маҳорат ётади.

Педагогик импровизациянинг моҳияти чолғу ижрочилиги фаолиятининг турли кўринишлари мавжудлиги ва вокал техникасини эгаллашда сўз эркинлиги жуда муҳим аҳамиятга эга. Бироқ, тажрибанинг паст даражаси ҳануз педагогнинг ижрочилик тайёргарлигидаги асосий камчиликларидан бири бўлиб қолмоқда.

Талабанинг музикаий-ижодий қобилиятларини ривожлантириш жараёнида таълимнинг чолғу ижрочилиги ва ансамбли фани касбга йўналтирилишда етакчи роль ўйнайди. Дарсда индивидуал таълим траекториясини ва фаол музикаий терапияни барқарор қўллаш орқали талабани ривожлантириш мумкинлигини алоҳида қайд этиш лозим. Музика ўқитувчиси касбини танлаганлар шуни билишлари лозимки, музика ўқитувчиси фақат келажак фаолиятининг мақсади, вазифалари, дастурини эмас, балки ўзи яшаётган ижтимоий-маданий вазиятни ҳам яхши билиши зарур. Ҳар бир педагог талабаларни бўш вақтида нима билан машғул бўлаётганлигини, берилган вазифаларни қай усулда тайёрлаётганлигини назорат қилиши лозим.

Музикаий асарларнинг тарбиявий ва маърифий аҳамияти шундаки, уларда юксак гўзалликка, бахт-соадатга эришишнинг йўли мақсад сари қатъий интилишда, сабр, чидам,

матонат, мардлик, қахрамонлик кўрсатишдан иборатдир. Вокал асарларда куйланадиган муҳаббат муҳим умуминсоний қадрият сифатида инсоннинг маънавий қиёфасини белгилаб берадиган омил, инсонни жасоратга ундайдиган, эзгу фазилатларни рўёбга чиқарадиган восита сифатида тараннум этилади, талабани садоқатли қахрамонлар тимсолида шу туйғуга илҳомлантириши ва рефлексив мослаштириши лозим.

Талабаларда муסיкий-ижодий қобилиятларни ривожлантиришда куйидаги талаблар асос бўлиб хизмат қилади:

1.Талабалар шахсиятида яширин бўлган муסיкий-ижодий қобилиятларни кашф этиш ва ривожлантириш;

2.Талабаларда муסיкий-ижодий кўникмаларни шакллантириш, қайсики бу кўникмалар уларда фақатгина муסיқага оид билимларни муваффақиятли ўзлаштириш имкониятини яратибгина қолмай, балки уларни ижтимоий турмуш вазифаларини еча олишга тайёрлаб бориши керак;

3.Талабаларда муסיқага ва ижодга бўлган қизиқишни уйғотиш ҳамда ижро этиш, соз чалишга нисбатан уларни қизиқтириш;

4.Педагог бутун педагогик–психологик воситаларни қўллаган ҳолда талабаларда муסיкий-ижодий қобилиятларни ривожлантириши лозим. Фақатгина шундай яхлит фаолият натижасида талабалар муסיқа таълими якунида муסיкий идрок, муסיкий онг, ижро этиш кўникмаси ва соз чалиш каби кўникмаларига эга бўлиши, шунингдек, муסיкий-ижодий қобилиятларни ривожлантириши талабларини аниқ англаб етишлари керак.

5.Талабаларда асарни ижро этишда турли образга киришишга ундаш ва қизиқиш уйғотиш катта аҳамият касб этади. Зеро, образли ижрони кузатган ҳар қандай талаба ўзи учун зарур бўлган ижрочилик кўникмаларини олиши мумкин.

6.Талабаларни дарсдан ташқари турли тадбир, концерт, ижодий учрашувларга жалб этиш лозим.

Юқорида қайд этилган талабларни амалга ошириш талабаларда муסיкий-ижодий қобилиятларни ривожлантиришда хизмат қилади ҳамда уларда ўз хато ва камчиликларини тўғирлашда ёрдам беради.

Санъатнинг анъанавий турлари: адабиёт, театр, амалий санъат, техноген санъат, кино, телевидение ва радио санъатининг ҳам таъсири мавжуд. Биламизки, ёшлар орасида муסיқа санъатининг кенг обрў топиши ҳам сир эмас. Тадқиқотлар муסיқанинг санъат турлари орасида етакчи ўринларга чиқиб бораётганини кўрсатмоқда.

Муסיқа санъатининг барча жанр ва турлари турлича характерда бўлиб, у ижрочи ва тингловчига маълум йўналишда таъсир этади.

Муסיқа умуминсоний қадриятларни ўзида мужассамлаштириши, турли давлат ёшлари ва миллатлар ўртасидаги муомала тили бўлиши лозим. Социологик тадқиқотлар кейинги йилларда ёшларимизнинг чет эл муסיқасига қизиқиши ортиб бораётганини тасдиқлайди. Шу сабабдан, талабаларда муסיкий-ижодий қобилиятларни ривожлантириш моделининг креатив тенденциялар сифатлари даражасини аниқлаш зарур. Талабаларнинг оммавий муסיкий тарбияси муаммоси муסיкий маданий ҳаётимизнинг биринчи галдаги вазифасига айланиб бормоқда.

Талабаларда муסיкий-ижодий қобилиятларни ривожлантириш, маънавий дунёсини шакллантириш, педагогик муҳит яратиш, уларнинг муסיкий, бадий ва эстетик маданияти биносини барпо этишга қаратилади. Талабаларда муסיкий-ижодий қобилиятларни ривожлантиришни муסיкий эстетик тарбияланган педагоггина амалга ошириши мумкин.

Шу сабабли, олий таълим муассасалари педагогларининг саъй-ҳаракатлари талабани муסיкий-ижодий қобилиятларини ва индивидуал-психологик хусусиятларини ривожлантиришга қаратилмоғи лозим. Талабанинг касб тайёргарлиги қобилиятлар, хоҳишлар, малака ва кўникмалар, эътиқод, ахлоқий ва ғоявий сифатларини белгиловчи рефлексив мослаштириш талабларини ўз ичига олади.

Қобилият инсоннинг шахсий салоҳияти, имкониятлари демакдир. Қобилият билимдан кескин фарқланиб, билим эса мутолаа натижаси ҳисобланади. Қобилият шахснинг психологик ва физиологик тузилишининг хусусияти ҳамдир. Қобилият кўникма ва малакадан кескин фарқ қилади.

Хорижий педагог ва психологлардан М.Воллах, Д.Гилрорд, Р.Стернберг, Л.Термен, Е.Торранс ва бошқалар томонидан иждодий фикрлаш тушунчаси назарий жиҳатдан асосланган бўлса-да, бугунги кунда иждодий фаолиятни ривожлантириш методикаларини ишлаб чиқишга йўналтирилган тадқиқотлар давом этмоқда.

МДҲ олимларидан Б.М.Тепловнинг фикрича, қобилият фақат ривожланишда бўлади.

В.Петрушиннинг фикрича, муסיкий идрокни шакллантириш бевосита муסיкий эшитиш қобилиятини шакллантиришга боғлиқ экан.

Ўзбекистон психолог олимларидан У.А.Умурзаков қобилиятларни ривожлантириш йўллари куйидагича белгилаб берган: актив фаолиятга жалб этиш; ҳуққнинг яхши томонларини шакллантириш ва жадаллаштириш; қобилиятларни тўғри ва адолатли баҳолаш; индивидуал ҳолатларни эътиборга олиш; шахсни ҳар томонлама ривожлантириш.

Талабанинг муסיкий-ижодий қобилиятларини ривожлантириш методикаси, унинг ҳаёти ва санъатидаги барча гўзалликни ҳис эта билиш, талабаларларда гўзаллик туйғусини

шакллантириш ва мусиқа санъатига бўлган қизиқишини тарбиялай олиш билан боғлиқ фаолиятининг ҳиссий йўналтирилганлиги билан уйғунлашади. Бунда педагог касб маҳоратининг муҳим омили ва пойдевори сифатида унинг умуммаданий тайёргарлиги намоён бўлади. Бу тайёргарлик билимлар, эҳтиёжлар, малакалар, қобилиятларга таянади.

Педагогнинг муҳим фазилатларига ижрочилик ғоявий сифатлари билан бир қаторда эстетик маданият ҳам киради. Эстетик маданият фақат шаклланган идеаллар, қизиқишлар, дид, кўникма, малака ва эҳтиёжлар эмас, балки эстетик билимларни, таассуротларни, ҳиссий муносабатларни талабаларга етказа олишини ҳам назарда тутати.

Олий таълим муассасалари “Мусиқа таълими” йўналиши талабаларининг мусиқий-ижодий қобилиятларини ривожлантиришдаги таълим жараёнида қўлланиладиган восита, усул ва методлар келгуси авлодни мусиқий тарбиялашда яхши самара беради, десак муболаға бўлмайди. Талабаларнинг мусиқий-ижодий қобилиятларини ривожлантиришда таълим жараёнига катта аҳамият бериш зарур.

Таълим жараёнида дарсликлар, ўқув қўлланмалар, ўқув-методик қўлланмалар, педагогик технологиялар, ўқув-услубий ишланмалар, тарқатма материаллардан фойдаланиб келинмоқда. Аммо, фақатгина шулар билан чегараланиб қолмасдан, таълим беришнинг янги услуб ва усуллари ишлаб чиқиш, янги замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш зарур.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сон Қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сонли “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 августда мамлакатимизнинг ижодкор зиёлилари билан ўтказган учрашуви.
4. Азизходжаева Н. Инновационные и образовательные технологии в подготовке педагогических кадров // Халқ таълими. – Т.: 2001. – № 4. – С. 123-126.
5. Бахриев А. Олий мусиқий таълимда янги педагогик технологияларни қўллаш // Мусиқа санъатида анъана ва замонавийлик мавзусида Республика илмий-амалий анжумани мақолалар тўплами. – Тошкент, 2018. –Б.143-146.

6. Шарипова М. Мусикий қобилият масаласини ўрганишга доир // XXI аср маданияти: авлодлар мулоқоти мавзусида илмий-назарий конференцияси
7. Эргашева Ч.Э. Шарқ алломаларининг рисолаларида мусиқа тарихи ва назариясига доир масалалар // Ўрта асрлар шарқ алломалари ва мутафаккирлари тарихий меросида санъат ва маданият масалалари мавзусида III халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами. – Тошкент, 2020. –Б.162.
8. Абу Али Ибн Сина. Избранное В 2-х томах . Восточная философия (ал-Хикма ал - машрикийа) Руководство по философии (Китаб ал - хидая) Трактат об определениях (ар-Рисала фи-л-худуд) Трактат об этике (ар-Рисала фи-л-ахлак) . Душанбе – Ашгабат.: Культурный центр Посольства ИРИ в Туркменистане ,2003.,185.с. С17.
9. Абу Наср Фаробий. Рисолаи мусиқа. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1992. – Б.37.
10. Апраксина О. Методика музыкального воспитания в школе. – М., 1983.
11. Асафьев Б. Профессия-учитель музыки. – М.: Просвещение, 1944. – 110 с.
12. Виноградов К. Развитие музыкальных способностей дошкольников в процессе музыкальных игр. – М.: АПН, 1988. – 247 с.
13. Вопросы методики музыкального воспитания детей. – М.: Музыка, 1985. – 127 с.
14. Киямов Н.С. Олий таълим муассасалари талабаларида мусикий маданиятни шакллантиришнинг педагогик асосларини такомиллаштириш: Дис. ... пед. фан. док., 2019. – Б.254.
15. Мамиров Қ. Бошланғич синф мусиқа дарсларида ўқувчиларнинг ахлокий ҳисларини тарбиялаш: Дис. ... пед.фан.ном., Москва, 1987. – Б.212.
16. Назаров А. Форобий ва Ибн Сино мусикий ритмика хусусида. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1995. – Б.63.
17. Шарипова Г. Мусиқа ва уни ўқитиш методикаси. Т, 2006. – Б. 228.
18. Қодиров Р. Мусиқа психологияси. Т: Мусиқа. 2005. – Б. 58.